



ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎҚИШГА ҚИЗИҚТИРИШ МАШҚЛАРИ

Махматмирзаева Бибидона¹, Ишмуродов Хўжамқул²

¹ Шеробод туманида 64-мактаб,

² Жарқўрғон туманидаги 61-мактаб

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813740>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021

Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021

Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

мустақил фикрловчи,
психологик портрет,
ўқувчи шахси,
фаолиятли ёндашув,
тадқиқот-
изланувчанликка
йўналтирилган
машғулотлар.

ANNOTATSIYA

Мақолада мактаб таълимида тадқиқот-изланувчанликка йўналтирилган машғулотларда ўқув фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, уларнинг қизиқишларини аниқлашга ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга оид фикрлар билдирилган.

Бугунги кун жаҳон педагогикаси ва таълим-тарбия психологияси олдида турган муҳим масалалардан яна бири, нафақат билимли, балки ижодий тафаккур соҳиби бўлган, мустақил фикрловчи шахсни шакллантиришнинг йўл, усул ва воситаларини излаш асосий масалалардан ҳисобланади. Таълим жараёнида мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялашда педагогик психологиянинг олдида турган куйидаги долзарб муаммоларни белгилаш мумкин:

– таълим масканларида ўқувчи-талабаларни ўқитиш, шахс сифатида

шакллантириш (ижтимоийлашув) жараёнини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган методлар (услуглар, шакллар), воситалар, усулларни янги мазмун билан бойитиш, монологик ўқитиш тизимидан диалогик, инновацион (янгиликка асосланган), ҳамкорлик (ўқитувчи билан талабалар фаолиятини уйғунлаштириш) сингари таълимнинг янги турларига ўтиш;

– мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув режаси, дастури ва уларга асосланиб чоп қилинадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ишланмалар, маъруза матнларини қайтадан кўриб чиқиш,



уларни мамлакатимиз ҳудудлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, янада пухталаштириш, мутахассисликка бевосита алоқаси бўлмаган ўқув фанларини (материалларини) оқилона қисқартириш ва таълимда инсон омилини ҳисобга олиш;

- таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларда фикрлашни шакллантириш, уларни ижодий изланишга ўргатиш, танқидий тафаккурни таркиб топтиришга эришиш;

- таълим муассасаларида истеъдодли талабалар фаолиятини ташкил қилиш, уларда истеъдод топшириқлари ранг-баранглигини таъминлаш ва уларни ечишни удалаш лаёқатини шакллантириш, ижодий унсурларнинг мавжудлиги ва узлуксизлигини англаб етиш, башорат қилиш лаёқатини ривожлантириш, ўқувчи-талабаларни ностандарт топшириқларни бажаришга йўналтириш, ижодий изланишни хоҳиш, лаёқат, майл ва мотивидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишни йўлга қўйиш;

- таълим жараёнида муаммоли вазиятларни юзага келтириш (масалан, мустақил фикрлашнинг асосий омилларига тавсиф бера оласизми?).

Ушбу вазиятни янада яққоллаштириш учун «Фикрловчи инсоннинг психологик портретини ҳамда жисмоний тузилишини кўз ўнгингизга келтиринг, уни тасаввур қилинг» деган йўлланма беришнинг ўзи кифоя. Шунингдек, мураккаб топишмоқ шаклидаги тестларни талабалар ихтиёрига бериш. Масалан, бир йигит

билан қиз ҳордиқ чиқариб ўтирган эди, йўловчилардан бири қизга «бу ким?», деб савол билан мурожаат қилди ва у шундай жавобни эшитади: «Бу йигитнинг онаси менинг онамнинг қайнонаси бўлади». Муаммо ўз ечимини кутади, қиз ким билан ўтирган экан? – таълимни фаол услублар негизида қуриш лозим, токи бунда ўқитувчи билан талаба ҳамкорлиги устувор ўрин эгалласин. Тест, баҳс, ишбилармонлик ўйинлари, мураккаблаштирилган педагогик муаммо, эвристика, тренинг, психодрама, бошқотирма, фикрлар жанги каби фаол, мустақилликка етакловчи ўқитиш методлари ва шакллари таълимнинг негизига айланишини таъминлаш.

Таълимда ўқувчи шахсига фаолиятли ёндашув бу тизимнинг концепциясини ташкил этади. Бунда шахс “субъект” категорияси эркинликка интилиш, яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади. Ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, усул, воситалар ўқувчи учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади. Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Ўқувчи муайян билимларга нисбатан бепарқ бўлиб қолмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга ўқувчида ўқув предметига нисбатан ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасига эришади.

Ўқувчининг руҳий хусусиятларини ўрганиш



ўзлаштирилаётган билимларнинг ўқувчига шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар шубҳасиз рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос индивидуал жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади. Бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари талаб этади. Шундай қилиб, фаолият шахс ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади. Шахс фаолияти унинг ички ҳиссиётлари билан боғлиқ. Шахс мотив, ҳиссиёт ва шахсий фикр воситасида намоён бўлади.

Ўқув машғулотлар турлича: диологик – муносабат, тадқиқот – изланиш, кўргазмали – тасвирий, репродуктив, ўйин – дарс, театрлаштирилган дарс, семинар. Бундай машғулотларнинг мазмуни ва мавзуси бевосита шахс фаолиятига ёндашув концепцияси ва тамойилларига мос келиб, улар бола ички дунёси, тафаккури ва шахсий ҳаётий тажрибасини максимал даражада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот-изланувчанликка йўналтирилган машғулотлар технологиясида марказий ўринни шахсий вазият эгаллайди, у ўқувчини имкон қадар кўпроқ топшириқларни бажаришга жалб этиб, индивидуал ёки жамоа бўлиб топшириқларнинг жавобини топишга ундайди.

Тадқиқот-изланувчанликка йўналтирилган машғулотларнинг асосий мақсадларидан бири – топшириқ сифатда кўйилган муаммоларга ўқувчининг ўзи жавоб топишини таъминлашдир. Ўқувчининг жавоблари ўқитувчи ва ўртоқларининг жавобларига мутлақо ўхшамаса-да, бироқ, ўқувчи ўз жавобидан қониқиш ҳосил қилсин, унинг муаммо ечимини шахсан ўзи топа олганидан ғурурлана олиши муҳимдир. Анъанавий таълим моҳиятига кўра ўқитувчи томонидан берилган топшириқ ва саволларга ўқувчини ўқитувчи танлаган, ўзи учун эса мутлақо нотаниш тарзда фикрлашга мажбур қилади.

Тадқиқот – изланувчанлик машғулотларида кўлланиладиган методлар ўқитувчининг болалар билан ҳамкорлик муносабатларига, ўқувчиларнинг ўз билимларини ўзлари мустақил ривожлантириш, ахборот ва илмий маълумотларга танқидий муносабатда бўлиш, плюрализм ҳамда ўзгалар фикрига ҳурмат билан ёндашиш кабиларга асосланади.

Анъанавий таълим технологиясида асосланган машғулотлар эса “худди мен каби ёки мендан яхшироқ бажар” қоидасига мувофиқ ташкиллаштирилар эди. Демак, таълим ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва билиш қобилиятини ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида намоён қилиш имкониятини ярата олиши зарур. Қуйида бир қатор психологик машқларни тавсия этамиз. Мантиқий урғуга эътибор бериш кўникмасини шакллантириш мақсадида “Сиз қандай инсонсиз” тести ўтказилади.



"СИЗ ҚАНДАЙ ИНСОНСИЗ" (ҳазил-тест) Кўрсатма: Тафаккурингизнинг хусусиятини билишни истасангиз куйидаги саволларга узоқ ўйламасдан, саволнинг мазмунига мос равишда жавоб беринг.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўқувчи будильникни соат 8 дан 9 га қўйиб уйкуга кетди. У неча соат ухлади?

2. Зафаржоннинг 10 та қўйи бор эди. 9 тадан бошқа ҳаммаси ўлиб қолди. Унда неча қўй қолди?

3. Сиз Тошкентда қўниб Пекин-Москва рейси бўйича учадиган самолётнинг учувчисисиз. Рейс ҳафтада икки марта бўлса, учувчининг ёши нечада?

4. Тунги қоровул кундузи ўлиб қолди. Унга нафақа тўланадими?

5. Эркак киши ўзининг бевасига уйланиши мумкинми?

6. Австралияда ҳам 9 май борми?

7. Ойлар 30-31 кун билан тугайди.қайси ойда 28 бор?

ТАҲЛИЛ. Саволларга жавоб беришда ҳар бир тўғри жавобга "+", нотўғри жавобга "-" белгиси қўйилади. Фақат "-" белгилари жавобларгина ҳисоблаб чиқилади ва шунга кўра

синалувчининг характеристикаси белгиланади. 4,5,6,9,10,19- саволларга берилган жавобларга изоҳ бериш талаб қилинади. Изоҳлар асосли бўлсагина (таваккал, тасодифий жавоблар бўлмаса) улар тўғри ҳисобланади.

ЖАВОБЛАР

1) 1соат ухлади.

2) 9 та қўй.

3).Синалувчининг ёши.

4) Йўқ, чунки ўлган одамга нафақа берилмайди.

5). Йўқ, чунки у кишининг ўзи ўлиб кетган. Ўлган одам нафақат хотинининг синглисига, балки мутлақо уйланомайди.

6) Ҳа, бу кун ҳамма жойда, календарда ҳам бор.

7) 28 Ҳамма ойда бор.

Бу каби машқлар ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир педагог, амалиётчи психолог ўз фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларга индивидуал ёндашиб, уларнинг қизиқишларини аниқлашга ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга эътибор қаратса, келажакда етук касб эгаларини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Интерактивное обучение как специальная форма организации познавательной деятельности. "Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари" илмий мақолалар тўплами, 2, 191-194.
2. Тилакова, М., & Қораев, С. (2020). ЎҚУВЧИЛАР КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР. Academic



- Research in Educational Sciences, 1 (4), 184-189. 3.Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. Халк таълими, (1), 24-29.
3. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. Халқаро илмий-амалий конференцияси, 323- 326.
 4. Bakitovich, A. E. (2020). Improvement of technologies of ecological education of pupils. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(6), 165- 171.